

Тавҳид ва ибодат

05:00 / 01.03.2017 4708

Тавҳид ва ибодат

«Тавҳид» сўзи луғатда «ваҳҳада» феълнинг ўзаги бўлмиш «тавҳид» масдаридан олинган бўлиб, бирор нарсага бирлик ва ёлғизликни нисбат беришни ва унда кўпликни инкор этишни англатади.

Шаръий истилоҳда эса «Тавҳид Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ҳамда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир».

- Тавҳиднинг ўрни.

«Лаа илааҳа иллаллоҳу – Аллоҳдан ўзга илоҳ (ибодатга сазовор зот) йўқ».

Ушбу калима тавҳид калимаси бўлиб, барча набийлар шунга даъват қилганлар. Ушбу калима ила инсон ширк зулматидан чиқиб, иймон нурига киради.

- Тавҳиднинг фойдалари:

1. Тавҳид бағрикенгликнинг энг улуғ сабабидир. Чунки у Аллоҳ таолога нисбатан бўладиган одобнинг энг улуғ даражасидир.
2. Ким тавҳид ҳақиқатини рўёбга чиқарса, ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга киради.
3. Тавҳид, агар қалбда ундан ачитқининг бир донасича бўлса ҳам, дўзахда абадий қолишни ман қилади. Агар у қалбда мукамал бўлса, умуман, дўзахга киришдан асрайди.
4. Тавҳид ила гуноҳлар мағфират қилинади ва ёмонликлар ўчирилади.
5. Тавҳид бу дунё ва охираат ғамларидан холи бўлишнинг бош сабабидир.

6. Тавҳид ила киши шайтондан сақланади.
7. Тавҳид ҳасадгўйнинг ёмонлигини даф қилади.
8. Тавҳидда бўлганларга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари насиб бўлади.
9. Тавҳидда бўлганлар қиёмат куни Аллоҳ таолонинг изни ила ўз қариндошларини шафоат қиладилар.
10. Тавҳид соҳибига бу дунё ва охиратда ҳидоят, камолот ва омонлик ҳосил бўлади.
11. Тавҳид Аллоҳ таолонинг розилиги ва савобига эришишнинг асосий сабабидир.
12. Тавҳид барча эзгу гап-сўз ва амалларнинг қабул қилиниб, савобга сабаб бўлиши учун асосий шартдир.
13. Тавҳид бандага яхшиликларни қилишни, ёмонликлардан четланишни осон қилади ва мусибатларда тасалли беради.
14. Тавҳид қалбда камолга етса, эгасига иймонни маҳбуб қилади, зийнатлайди ҳамда унга куфр, фисқ ва исённи ёмон кўрсатади.
15. Тавҳид бандани махлуқларга қул бўлишдан, улардан қўрқишдан, қарам бўлишдан озод қилади.
16. Тавҳид ила Аллоҳ таоло бу дунёда нусрат, иззат, шараф, ҳидоят ва осонликни кафолатлайди.
17. Тавҳид ила Аллоҳ таоло бу дунё ва охиратнинг ёмонликларини даф қилади ва инсонга фаровон ҳаёт ҳамда хотиржамлик ато қилади.
18. Тавҳид комил бўлса, риё, нифоқ каби ботиний гуноҳи кабираларни даф қилади.
19. Тавҳидда ўлганларнинг ортидан қилинган дуо ва садақалар марҳумга фойда беради.

- Ибодат.

«Ибодат» сўзи араб тилида бир-бирига зид бўлган икки тушунчани – «мулойимлик ва ўзини паст олиш» ҳамда «шиддат ва қўполлик» маъноларини англатади.

Уламолар уни қуйидагича таърифлайдилар:

«Ибодат Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ва рози бўладиган барча зоҳирий ва ботиний гап-сўзлар ва амаллардир».

- Тоат ва ибодат орасидаги фарқ.

Ибодат баркамол неъмат берувчига баркамол қуллик қилишдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таолодан бошқага ибодат қилиб бўлмайди. Ибодат қилинувчи, яъни маъбуд ҳақида маърифат ҳосил бўлмагунча, ибодат қилинаётган Зотни танимагунча, ибодат ҳам ҳосил бўлмайди.

Тоат – тоат қилинадиган зотнинг иродасига мувофиқ воқе бўлган ишдир. Тоат қилинадиган зот уни адо қилувчидан, тоат қилувчидан юқори мартабада бўлиши шарт. Тоат Холиққа ҳам, махлуққа ҳам бўлаверади. Тоат бировга эргашишни истамаса ҳам бўлаверади. Мисол учун, баъзилар шайтонга эргашишни истамасалар ҳам, унга тоат қилишлари мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Мукаммал саодат йўли китобидан)